

## ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎСМИРЛАР ҚИССАЛАРИНИНГ ЖАНРИЙ, БАДИИЙ-КОМПОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.13.67.008>

Жамилова Башират Сатторовна,

Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари  
номзоди

*Аннотация. Мақолада истиқлол даври болалар адабиётининг ўзига хосликлари, жумладан ўсмирлар адабиётининг янги йўналишидаги намуналари таҳлил қилинган. Х.Тўхтабоевнинг “Қиз болага тош отманг”, “Қиз талашган ўсмирлар” қиссаларининг мавзувий-мундарижаси, гоаявий, бадий-композицион хусусиятлари, эстетик вазифаси ҳақида фикр юритилган.*

*Калит сўзлар: педагогика, психология, телероман, гендер, юмор, пафос, реалистик, тадбиркорлик, ижтимоийлик, ахлоқий-дидактик*

## ЖАНРОВЫЕ И ЛИТЕРАТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПОДРОСТКОВ В КРАТКИХ ИСТОРИЯХ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ

Джамилова Башират Сатторовна

профессор Бухарского государственного университета, доктор  
филологических наук

*Аннотация. В статье рассматривается современная детская литература. Кроме того, в нём обсуждается современные направления подростковой литературы. Речь идет о тематических, идейных, литературно-композиционных особенностях и эстетических задачах рассказов Х. Тухтабоева «Не бросайте девушке камень», «Подростки, которые ссорятся из за девушку».*

*Ключевые слова: педагогика, психология, телевизионный роман, гендер, юмор, пафос, реалистичность, предпринимательство, социальное, этико-дидактическое.*

## GENRE AND LITERARY COMPOSITIONAL FEATURES OF TEENAGERS IN SHORT STORIES OF THE INDEPENDENCE PERIOD

Bashorat Sattorovna Jamilova

The professor at Bukhara State University, Doctor of Philosophy in  
Philology

*Annottion. The article discusses contemporary children's literature. Furthermore, the modern trends of teenagers' literature has been discussed either. It's about thematic-content, ideological, literary compositional features and aesthetic tasks of the short stories «Don't throw a stone to a girl», «The teenagers who have been plundering for a girl» by Kh.Tukhtaboyev.*

*Keywords: pedagogics, psychology, telenovel, gender, humor, realistic,*

*entrepreneurship, social, ethical-didactic*

Педагогика ва психологияда турли ёш даврлари руҳиятининг бир-биридан сезиларли фарқи асослаб берилган. Хусусан, чақалоқлик, илк болалик, мактабгача таълим ёши, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, ўспиринлик, ёшлик, етуклик ва кексалик даврларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, сифатларга эга бўлиб, улар бир-биридан одамнинг хронологик ёш кўрсаткичларига кўрагина эмас, балки шу даврда инсон руҳиятида кечадиган ҳодисалар, рўй берадиган ўзгаришлар, унинг руҳиятидаги умумий қонуниятларга кўра ҳам фарқланиши таъкидланган. Болалар қалбини бадий тадқиқ этиш, болаликни бадиият кўзгусида бутун борлиғича акс эттириш, аниқроғи, бола дунёқараши, ботиний ва зоҳирий такомиллашуви ҳамда ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан шаклланиш пиллапояларини кўрсатишни мақсад ва вазифасига айлантира олган болалар бадий адабиёти ёзувчи олдига ғоят нозик масала: ўз ўқувчисининг ёш хусусиятлари, руҳияти, савияси ва қизиқишларини назарда тутган ҳолда ижод этиш вазифасини қўндаланг қилиб қўяди. Худойберди Тўхтабоев болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятларини яхши билган ёзувчи. У болалар учун асар ёзаётган пайтда албатта, ўз ўқувчисини кўз олдига келтириб ёзади. “Олти ёшли болага айтаётган гапингиз ўн тўрт ёшли ўсмирга айтадиган гапингиздан, албатта, фарқ қилиши керак,- ” деб таъкидлайди. Ёхуд, бутун умрини болажонларга завқовар шеърлар ёзишга бағишлаган П.Мўминнинг мана бу иборасини эсга олайлик: “ Сен новча одамсан, болага бирор гап айтганда энгашиб, қулоғига гапирасан, бўлмаса, гапингни ҳаммаси ҳавога учиб кетади...” Ёзувчининг болалар ва ўсмирларга атаб ёзган асарларининг улар учун қизиқарли, ўқимишли, жозибали бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Болалар бадий адабиёти намуналарининг қайси ёшдаги ўқувчига мўлжалланганлиги – (мактабгача тарбия ёшидаги (3 ёшдан 6-7-ёшгача), кичик мактаб ёшдаги (7-ёшдан 11-12 ёшгача) ҳамда ўсмирлар (13 ёшдан 16-17 ёшгача ) адреслилиги шу маънода муҳимлик касб этади.

Етук болалар адиби Х.Тўхтабоев болалар оламига кириш учун улар даражасига “пасайиброқ” келиш ва болалар ички дунёсидан хабардор бўлиш керак. Бола нимага қизиқади-ю нимани ҳазм қила олади, нималарни истади- шуларни ҳисобга олиш даркор, - деганда ҳақли эди, албатта.

Аммо шу билан бирга истиқлол миллий китобхонлик соҳасида ҳам эркинликни юзага келтирганини таъкидлаш жоиз. Эндиликда, ҳар бир ёш китобхон ўзи қизиққан, эҳтиёжи пайдо бўлган йўналишдаги, номдаги асарларни ўқишга қизиқаётгани маълум. Мактабгача таълим ва кичик мактаб ёшидаги болалар китобхонлиги бевосита ота-оналар, муаллим-устозлар назоратида бўлса ҳам ўсмирларни бугун тўхтатиш осон эмас. Айниқса вертуал олам, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар, бутун дунё телеканалларидан баҳраманд бўлаётган ўсмирлар янада тезроқ вояга етиш истагини ҳоҳлаб қолишаётгани сир эмас. Ҳатто, оила,

жинсий ҳаёт, муҳаббат туйғулари масаласида кўпроқ Ғарб ёшларига тақлидан тафаккур юритиши яққол кўринмоқда. Шу жиҳатдан XXI аср болалар адабиётининг бадиий-эстетик савияси, мавзу-мундарижаси, ифода усуллари ҳам янгилана бориши табиий эди. Таъбир жоиз бўлса, ўсмирлар адабиётининг ўзи мустақиллашиб бораяпти, дейиш мумкин. Чунки “16+” деган тушунча телеэкранлардан адабиётга ҳам кўчиб улгурмоқда (масалан, Э.Маликнинг “Болалик ва ўсмирлик кўчалари”), қолаверса, уларга мўлжалланган уч асосий йўналишдаги адабиётлар махсус ижод қилинаётгани кузатилмоқда.

Биринчи йўналишда - бевосита балоғат палласига кирган йигит-қизларнинг “муҳаббат мавсумлари”ларига бағишланган ва касб-ҳунар танлаш, замонавий ёшларнинг ўз келажакларини белгилашга йўналтирувчи асарлар туркуми (масалан, Х.Тўхтабоевнинг “Қиз талашган ўсмирлар”, “Қиз болага тош отманг”)

Иккинчи йўналишда - замон воқелиги, ҳаётини муаммоларнинг тамсилий талқин этувчи юмористик, саргузашт-фантастик қиссалар (Э.Маликнинг “Шайтонваччанинг найранглари”, Х.Тўхтабоевнинг “Телебола”, “Осмондаги ҳайвонлар”).

Учинчи йўналишда - мустақиллик шарофати билан иймон, дину диёнатни таний бошлаган мамлакат ёшларига бағишланган ахлоқий-дидактик асарлар туркуми (Т.Маликнинг “Меҳмон туйғулар”, Э.Маликнинг “Набираларимга мактублар”, Х.Тўхтабоевнинг “Ривоятлар”, “Ўзим ва ўқувчилар йиққан эртақлар”) каби.

Айтайлик, “Қиз талашган ўсмирлар” (роман)ининг биринчи қисми “Муҳаббат мавсуми” деб номланганиёқ ўсмирлар диққатини тортади. Унинг қаҳрамонлари ҳам шу куннинг ёшлари. Аниқроғи, “мустақиллик деган неъмат” туфайли “ўсмирлар-у бўйи етган қизларнинг велосипед тузатадиган устахона очиб..., 12 та бузоқ боқиб, бузоқлари семириб, сотилиб кетгунича эркаги қанақа бўлади-ю, урғочиси қанақа бўлади, ана шуни билмай қолган... Тўққизинчи синфгача фақат аъло ўқиган Қумриниса қизалокларга кўйлак, кофта тикаман деб олдирган машинаси ип чайнаётгани учун Америка, Хитой-ю Японияга машиналаринг сифатсиз экан, деб тўхтамай хат жўнатиб турган” ёшлар ҳақидадир.

Ёзувчининг юмористик услуби “роман”нинг асосий руҳини белгилайди, шўх-шаддод ўсмир қиз-йигитлар ҳамма масалада ўйин-кулги, ҳазил-мутойибани ўзларига ҳамроҳ қиладилар. Воқеалар ҳам асосан адиб қисса ва ҳикояларида кўп тилга олинган Тағоб қишлоғи, фермер хўжаликлари ва давр нафаси сезилиб турган чет эллик ҳамкорлар, Павлодар ўлкасида юз беради. Асардаги талай ҳаётини воқеалар, анжир етиштириш, боғдорчиликнинг фермер хўжаликлари ҳисобига ўтказиш, бунда ёш ўсмир қиз-йигитлардан ташкил топган хўжаликнинг муваффақиятлари билан бирга, ёшлар орасида севги-муҳаббат савдосига муносабатлари, умуман, оила қуришдаги танлови сингиб кетгани эътиборли, албатта.

Зулҳумор образи орқали нафақат севгисида садоқати баланд, курашчан, эпчил, тадбиркор ўсмир қиз тимсоли, оиладаги муҳит,

жамиятдаги айрим қинғирликлар учун виждон азоби қийналадиган замонамиз ёш қаҳрамонлари акс этади. Оддий деҳқон ва мактаб муаллимнинг фарзанди Шарофатнинг юридик институтдан икки йил ҳам йиқилгач, “бу дунёда ҳақиқат йўқ экан, ҳақиқат бор дунёга кетаман”,-деб ўзини осиб қўйганига ёнида ўтирғизилиб, кўчиришга имкон яратилгани сабабидан талабалikka қабул қилинган Зулхумор ўқишни ташлаб келгач, “инсофсиз муаллимлар, ҳақиқатни сотиб оладиган пулдор оталардан ўч оламан”,-дея ўқиниши ўсмир қалбнинг қасоси, эди гўё.

Романда Йўлдошхон ва Зулхумор севгиси етакчи мотив қилиб олинган, уларнинг ҳис-туйғулари драматик лавҳаларда тасвирланган бўлса ҳам кўпроқ ўсмирлар руҳияти билан боғлиқ зиддиятлар трагикомик ифодаланади. Хусусан, Йўлдошхоннинг тадбиркорлик манфаатини ўйлаб ўз муҳаббатига бебурдлик қилиши, севги изҳор қилган ҳамкорининг қизи Ойсулудан, буни сезган Зулхумордан ҳам ҳақорат эшитиб, тарсаки ейиши, қишлоқдаги, фермерлар бригадасидаги киз-йигитлардан маломатга қолгани фош қилинади. “Э, кичкина хўжайин, э Йўлдошхон,- дейди унга хурмати йўқолган қизлар,- эшитмаган бўлсанг, эшит: сен гўзал Зулхуморни, биринчи муҳаббатингни қўлдан чиқардинг, энди уни унут. Эшитмадингми, уни аллақандай йигитга унашар бўлди-ку...”

Қаҳрамон ўз хатоларини англаб етади-ю, уни тузатишда ақли яна ожизлик қилади. “Йўлдошхоннинг назарида бутун анжирзор қўшилиб йиғлаётгандек...”

– Мендан Зулхумор хафа. Онажоним ҳам хафа, Бексултон хафа, Хизр бобо хафа. Мана қушлар ҳам хафа экан... Мен ҳаммаларига хиёнат қилдим. Хиёнатчини ҳеч ким кечирмаслиги керак. Зулхумор, шайтон йўлдан оздирган Йўлдошни кечира оласанми? – Йўқ, йўқ деган овозлар келяпти атрофдан...”(198-б.) Ана шундай руҳий исканжа қийновида машинасини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ҳайдаб кетаётган Йўлдошхон магазиндан олган бир шиша сиркадан қандай қуйиб ичганини-ю, беҳуш бўлиб, Зулхумор биринчи муҳаббати экани, сандиқчасидаги қалин дафтарни қабрига бирга кўмишларини васият қилиб хат ёзганини ҳам билмай, беҳуш йиқилади...

Зулхумор ўсмирликдаги пок севгиси сабаб жасорат ва аҳд билан уни қайта тирилишига сабаб бўлгани асар драматизмини янада кучайтиради. Айни пайтда ўз жонига қасд қилиш мотиви ва унинг хунук оқибатини кўрсатишга хизмат қилган. Одатда, асар қаҳрамонларининг муҳаббати атрофдаги душманлар, катталар, ёки ота-оналар қаршилигига кўра завол топса, бунда Йўлдошхоннинг тадбиркорлик фаолиятига шахсий ҳаёти, севгисини аралаштириш, ўз манфаатини иймон ва виждондан устун қўйиш оқибати намоён бўлган. Шу тариха, сюжет воқеаларида янги давр руҳи, замондош қаҳрамонлар дунёқарашидаги ўзгариш ёрқин кўринади. Рост, роман Йўлдошхон ва Зулхумор, Ойсулудан ва Расулжон, Бексултон ва Насиба ҳамда анжирчи, тадбиркор қиз-йигитларнинг яна тўрт нафарининг тўйи бир кунда тантанали ўтказилиб, ёшлар мурод-

мақсадига етиш билан якун топиши анъавий асарлар поэтикасига ҳамоҳанг. Бироқ болалар адабиётида ўсмирлар муҳаббати, айниқса янгича бадий тафаккур талқинида намоён бўлиши эътирофга сазовор. Фақат асарнинг номланиши ва моҳиятида номуносиблик бордек, тасаввур ҳосил бўлади. Асарда қиз талашиш оқибатида драматизм кучайган лавҳалар деярли йўқ. Аксинча, Йўлдошхоннинг сохта муҳаббатини сезиб қолган Ойсулув Расулжон деган йигитга тегишини айтганда, Йўлдошхон бориб дўстини ҳақорат қилади, холос. Асосий зиддиятлар эса Зулхуморнинг ўз севгиси учун ҳамма нарсдан воз кечиши, прокурор отаси ўқишга киритса ҳам ташлаб келгани, саккизинчи синфдаёқ ҳамма қизлардан қизганиб, эҳтиёж бўлмаса ҳам фермер бригадасига аъзо бўлгани, ақлу-заковати билан унга энг яқин ёрдамчилик қилиши, ҳуллас изтиробу ташвишлари, ҳис-туйғулари ёрқинроқ тасвирланади. Ёки, Ойсулув ҳам ўзга юрт, ўзгача тарбия топган замонавий, тадбиркор қиз бўлса ҳам, водийга меҳмон бўлиб келганда ўсмир йигит-қизларнинг самимий муҳаббатига ҳавас қилади, Йўлдошхоннинг “севги изҳорига” қаттиқ хафа бўлиб, Зулхумор муҳаббатига ғов бўлмайди. Шу сабабли, аҳдига вафодорлик, ҳис-туйғулар ҳам кўпроқ қизлар образи талқинида драматик тус оладики, асар номи ҳам шунга ишора қилиши лозим эди, назаримизда. Иккинчидан, асар романдан кўра қисса жанри хусусиятларини ўзида кўпроқ акс эттиргани сезилади. Унда асосан ўсмирликдаги муҳаббат лавҳалари лўнда ва ихчам тасвирланган. Асарда вақеалар кўрсатилишдан кўра, қаҳрамонларнинг (масалан, Зулхумор ўқишни ташлаб келиш сабабини, отасининг кимлиги ва қандайлиги, онаси, муаллими, Шарофат ва бошқалар) ҳикоялари орқали аёнлашади. Муаллиф ҳикояси – ровийлик, баён қилиш услубининг ифодаси ҳам асарни замонавий мавзу – ёшлар тадбиркорлиги ва муҳаббат синовлари ҳақидаги қисса эканлигидан далолат беради.

Зотан, адибнинг шу йўналишдаги яна бир асари “Қиз болага тош отманг” “Телероман”и янги композицион қулайликда яратилган. Жанрнинг луғавий маъноларига эътибор берилса, бу “романнинг телеинценеровкаси”, “роман асосидаги телевизион бадий фильм”, “телесериал” тарзида талқин этилади. Айтайлик, рус адабиётида Владимир Янковскийнинг “День ожидания” деб номланган “Телероман”и собиқ шўро тузумининг 70 йиллик тарихини қамраб олган бўлиб, унда ҳужжатли, сиёсий, детектив воқеалар акс этгани аёнлашади. Яъни, тарғибот қилиш (реклама), зудлик билан оммага етказиш мақсадида ёзилган асар эканлигига ишора қилинади. Ўзбек адабиётида ҳам кўпгина романларнинг видеофильми (масалан, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” га ўхшаш), теленовелла (Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”) каби намуналарини биламиз. Бу асарларни ёзган адиблар уларнинг иккинчи ҳаёти – телевиденияда яшашини эҳтимолки, ҳаёлига келтирмаган. Уларнинг бадий, маънавий жиҳатдан катта аҳамияти, зукко рижиссерлар меҳнати дунёга қайта келишига сабаб бўлади. Демокчи бўлганимиз, яхши роман, қисса, ҳикоя яратилса, уни халққа етказиш усуллари ҳам такомиллашиб бораверади. Шу билан бирга, ҳозирги



“техножамият”да телетомошабинлар қатлами китобхонлардан кўра кўплигини ҳам инкор қила олмаймиз ва адибларнинг ҳам талаб-таклиф асосида телеасарлар ёзиши оммалашаётганидан воқифмиз. Бинобарин, Х.Тўхтабоевнинг мазкур асари болалар адабиётида қузатилаётган янги синкретик асар намунаси ҳисобланади.

Асар композицияси диалоглардан ташкил топгани унинг синкретик жанр эканлигини кўрсатади. Асарнинг тили, унда ишлатилган халқ ибора ва мақоллари, хусусан, парнографик мазмунга эга аския, пайровлар бемалол ишлатилиши болалар адабиёти учун ноанъанавий бўлса-да, замон нафаси, бўёғини акс эттириб туради. Хусусан, воқеалар бўлиб ўтадиган катта Тағоб қишлоғи, тоғёнбағри атрофидаги қишлоқ сут-товар фермаси мисолида, аввалги ва янги замон ишчиларининг дунёқараши, аввалги раислару ҳозирги тадбиркор ёшлар тушунчаси намоён бўлади.

Асарнинг бош қаҳрамони Хуршида соғувчиларнинг Республика танловида иштирок этиб, 2-ўринни олгани учун “Тико” автомашинаси олгани ва уни тағобликлар иштирокида кутиб олишни “репититция” қилиш саҳнаси билан бошланади (саҳна кўриниши муаллиф томонидан тўлиқ тасвирланади). Ёш қизнинг ютуқлари баҳона қишлоқнинг ёшу қариси тўпланиб, ҳали у келгунча анча мунча “суҳбат” қиладилар. Шу баҳонада ферманинг олдинги тарихи, раисларнинг, ферма мудир-ю ҳатто соғувчиларнинг сўз-гапларидан Хуршидахоннинг ёш бўлишига қарамай, Голландияга бориб тажриба алмашиб, 12 бош бузоқ олиб келгани-ю, барча ферма аъзолари 18 соатлаб фермадан кетмай икки ҳиссадан ойлик олиши, аввалгидай хашак ўғирлаб сотиш, сутга сув қўшиш кабилар йўқлиги ва бошқа камчиликларни айтавердилар. Гап орасида Хуршидани икки йигит баравар севиши-ю, қиз уларнинг қайси бирига тегишини билмаётганлари ҳам тилга олинади. Воқеалар силсиласи шундай давом этадики, суратга олиши ишларидаги тайёргарлик, ким қаерга ўтириши-ю, Хуршиданинг онаси кўзи қандай ёшланиб қизини ўпиши кераклиги, ўтирганлар қандай олқишлаши, кимларга сўз берилиши кабилар киноявий усулда очиб берилган. Ўспирин қиз-йигитларнинг “севги учбурчаги” асар тугунини ташкил қилади.

Асарда ҳар бир янги саҳна қаҳрамонларнинг турли вақт, турли жойдаги фаолиятлари, суҳбатлари, турли характер қирраларининг очилиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Масалан, иккинчи қисмда Хуршиданинг мукофотни олиб келиши билан фермадаги энг семиз буқани сўйиб, ҳар бир кишига 3 килодан гўшт тақсимлаш, 30 тадан тухум ажратишни режалаштиргани, “Тико”нинг калитини эса “қадок кўллари бир умр буқанинг йўғон шохи билан ипидан бошқа нарсани кўрмаган” Исмоил акага топшириши билан бошланади.

Аввалги раис - Шокалон, унинг хотини ўттиз йиллик боғча мудираси Шаҳринисонинг шоҳона ҳовли-ю айвон қасрлари, суҳбатлари, ўртоқлари билан қарта ўйнаётган “думбул” ўғли Шоумарнинг оилавий муҳитини эса алоҳида бир саҳнада кўриш мумкин.

Хуршиданинг онаси билан дардлашиши, ҳиссиётларини очик-

ойдин айтиши-ю, фермадаги ишчанлиги, депутат сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, дадиллиги алоҳида- алоҳида саҳналарда намоён бўлиб бораверади. Зотан, асар асосида тайёрланган тўрт қисмли “Хуршида” телефильми ҳақида профессор А.Расулов шундай ёзади: “Таниқли ёзувчи Х.Тўхтабоев ва бош режиссёр Шавкат Жунайдуллаев қизнинг ғаройиб сепи – фермерлиги, тадбиркорлиги, изланувчи ақли орқали унинг руҳий-маънавий оламини ёритиб беришни мақсад қилиб қўйганлар. Ғишт заводи бошлиғи Бексултон (актёр А.Ҳамроев) Хуршидани севади. Фермер қиз (актриса Тамара Ҳазраткулова) ҳам унга бефарқ эмас... Йигит ҳам, қиз ҳам мулкдорлик жабҳасига энди-энди кириб келаяпти... Изланиш, ўрганиш, тадбиркорлик машаққатлари уларни ўзаро яқинлаштиради... “Хуршида” телефильмида Тағоб қишлоғи аҳли, “Кўкдала” фермаси, ғишт заводи ишчилари фаолияти тасвирланган. Демокчимизки, фильмда ҳаёт аслича: ғалағовури, мураккабликлари, етишмовчиликлари билан акс эттирилган.”

Олим айни пайтда баъзи персонажлар руҳияти, бетакроп ўзлиги етарлича очилмагани, масалан, Ўнбоши, Бексултон, Иноят ая қабилар тимсолидаги аниқлик, фазилятлар теран очиб берилмаганини ўринли эътироф қилади. Ва шу билан фильмда ижро этилган қўшиқ ва ижодий фаолиятларни таъкидлаб, замондошларимиз ҳаёти, интилишлари, қалбини ишонарли тасвирлаб берилган фильм эканини қайд этади.

Дарҳақиқат, телероман асримиз бошларидаги янгиланаётган давр воқелигини жонли, жўшқин пафос билан акс эттиришга бағишланганидан воқеалар тафсилотига кенг ўрин берилган. Эпизодик образлар “овозлар” тариқасида бўлиб, қиз болага – Хуршидага тош отилиши кампирлар ғийбати, оғизда юрган миш-мишлар орқали аёнлашади. Аммо Хуршида ва у турмушга чиқаётган Бексултонга бу гапларнинг мутлақо аҳамияти йўқ. Шулардан қатъий назар, ёшлар ҳаётининг мураккаб зиддиятлари, катталар ва ёшлар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг очиб берилгани поэтик тафаккурдаги эврилишлардан далолат беради.

Яна бир жиҳат, Х.Тўхтабоевнинг юқоридаги иккала асарида ҳам образ яратишда гендер ёндашув кузатилганидир. Яъни, болалар адабиётининг асосий қаҳрамонлари, жумладан, Х.Тўхтабоев асарларида ҳам ҳали қиз бола образини бош қаҳрамон сифатида талқин этиши кўзга ташланмаган эди. Зулҳумор, Ойсулув, Хуршида ва уларнинг атрофидаги барча қизлар айтиш керакки, йигитлардан анча фаол ва дадил. Бу ҳам аслида асардаги бадиий ҳақиқатнинг замонавий ҳаёт ҳақиқатига мутаносибли, реалистик тасвир устуворлиги ифодасидир. Ўсмирлар бу каби асарлардан ўз ҳаётлари аксини кўриш билан бирга, қаҳрамон образининг янгилиниб боришига ҳам гувоҳ бўла оладилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Jamilova B.S. Basics of Uzbek Children’s Reading. TEST Engineering & Management// <http://www.testmagazine.biz/index.php/testmagazine>

2. Bashorat Jamilova . Description of the spirit of teenagers in uzbek chi2. Idren’s prose . MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN ISSN 2694-9970 <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/>



view/134

3. Жамилова, Башорат. Трактовка и формы выражения экологического воспитания в произведениях для детей .Сборник научных статей по итогам работы Международного научного форума Том. 2 <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=37532655&selid=37532696>

4. J.B. Sattorovna, K.M.Yusufovna, Comparative interpretation of the characters in English and Uzbek novels//Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. 27, No. 2, P-ISSN: 2204-1990; E-ISSN: 1323-6903 DOI: 10.47750/cibg.2021.27.02.169 <https://scholar.google.com/scholar?cluster=15907969009553191108&hl=en&oi=scholar>

5. Jamilova Bashorat Sattorovna, Sharipova Iqbol Fayzullayevna, Important Itegration Principles of integration of Literature and Mathematics. MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN. 11 March 2021, Published 10 March 2021 <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/index>

6. Sattorovna Jamilova Bashorat1, Sadridinova Nuriddinova Shaxnoza. The spiritual description of adults in uzbek children’s prose-the place of literary psychologism. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=1&article=086>

7. Jamilova B.S. and Qahhorova M.Y. Bolalar detective nasrida o’smirlar ruhiyati tasviri// International scientific methodical journal, ISSN 2181-1709(P), 2181-17.(E) , 2020,1.<http://interscience.uz/>

8. Тўхтабоев Х. Қиз болага тош отманг. Т., “Янги аср авлоди”, 2018, 348 б.

9. Расулов А. “Қиз болага тош отманг”-“Хуршида” телефильми ҳақида”. Китобда: Х.Тўхтабоев. Қиз болага тош отманг. Т., “Янги аср авлоди”, 2018. –Б.342 <https://sinonim.org/>

[https://libking.ru/books/russian\\_contemporary/646946-vladimir-yankovskij-den-ozhidaniya-teleroman.html](https://libking.ru/books/russian_contemporary/646946-vladimir-yankovskij-den-ozhidaniya-teleroman.html)